

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

235 **Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 май,
170-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 24 майдаги 170-сон қарорига
ИЛОВА

**Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда мол-мулк эгалари деб аталади) мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши терроризмга қарши курашда қатнашаётган шахсларга етказилган зарарни қоплашга татбиқ этилмайди, террорчиликка қарши операцияни ўтказишда қатнашаётган шахсга мулкий зарар терроризмга қарши операцияни ўтказиш ҳудудида мол-мулк эгаси сифатида

етказилган ҳоллар, шунингдек мол-мулк эгаларининг мол-мулки мазкур хавф бўйича суғурта қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Мол-мулк эгаларига етказилган мулкӣ зарар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига қопланади.

3. Қўйидагилар қопланиши лозим:

террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида бутунлай йўқ қилинганлиги сабабли тиклашнинг имкони йўқ бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати;

террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида мол-мулкка етказилган зарар.

Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахснинг соғлиғига зарар етказилган тақдирда, унга бепул зарур тиббий ёрдам таъминланади, фуқаро ҳалок бўлган тақдирда эса — қонунчиликка мувофиқ, унинг оила аъзоларига пенсия ёки боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланади.

Маънавий зарарни қоплаш масалалари суд тартибида ҳал қилинади.

4. Шахсга унинг террорчилик ҳаракатидаги иштирокига чек қўйилиши муносабати билан етказилган зарар қопланмайди.

Ўзбошимчалик билан қурилган турар жой, ишлаб чиқаришлар ва бошқа бино ва иншоотларнинг қиймати, шунингдек мол-мулк эгасининг бой берган фойдаси қопланмайди.

5. Террорчиликка қарши операцияни ўтказиш натижасида мол-мулк эгаларига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

II. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва мулкӣ зарарни қоплаш тартиби

6. Террорчиликка қарши операция тугагандан сўнг уч иш куни мобайнида ҳудудида террорчиликка қарши операция ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокими (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан террорчиликка қарши операцияни ўтказиш натижасида мол-мулкига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш учун мол-мулк эгаларининг мурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Комиссияга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокими ёхуд уларнинг ўринбосарлари бошчилик қилади.

Комиссиянинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия таркибига тергов ва молия органларининг, Давлат рақобат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари киритилади.

7. Мол-мулк эгаларини комиссия ўз ишини бошлаганидан хабардор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан оммавий ахборот воситаларида маълумотни жойлаштириш, шунингдек фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ёрдамида комиссия ташкил қилинган кундан эътиборан икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

8. Йўқ қилинган ёки шикастланган мол-мулкни қоплаш учун мол-мулк эгаси ёки унинг вакили комиссияга ёзма равишда мурожаат қилади ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган мулккий зарарни қоплаш тўғрисидаги ариза (кейинги ўринларда ариза деб аталади), унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда СТИР деб аталади), банк реквизитлари, раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (юридик шахслар учун);

фамилияси, исми ва отасининг исми, банк реквизитлари, яшаш манзили ва боғланиш учун бошқа маълумотлар (жисмоний шахслар учун);

б) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси — юридик шахслар учун;

в) паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг нусхаси — жисмоний шахслар учун;

г) мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

д) вакил сифатида мурожаат қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси — юридик ёки жисмоний шахснинг вакили учун (мол-мулк эгасининг вакили мурожаат қилган тақдирда);

е) кўрилган моддий зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлган тақдирда).

Ариза мурожаат қилинган кундан бошлаб кўриб чиқилади, агар мурожаат комиссия иш бошлаган кундан 6 ойдан кечикмай келиб тушган бўлса.

Комиссия иш бошлаган кундан 6 ой ўтгандан сўнг комиссияга мурожаат қилинган тақдирда, йўқ қилинган ёки шикастланган мол-мулкни қоплаш масаласи суд тартибида ҳал қилинади.

9. Ариза ва мазкур Низомнинг 8-бандида қайд этилган унга илова қилинган ҳужжатлар комиссия томонидан ўн беш иш куни мобайнида кўриб чиқилиши керак.

10. Мазкур Низомнинг 8-бандида қайд этилган ҳужжатлар Комиссияга тўлиқ тақдим қилинмаган тақдирда, комиссия ариза келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида мол-мулк эгасини ёки унинг вакилини етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш кераклиги ҳақида хабардор қилади.

11. Комиссия ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида баҳоловчи ташкилотни жалб этган ҳолда, мол-мулк эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг миқдорини баҳолашни ташкиллаштиради.

Мол-мулк эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг миқдорини баҳолашни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

12. Баҳоловчи ташкилот томонидан мулкӣ зарарни баҳолаш тугагандан сўнг, комиссия уч иш куни мобайнида мол-мулк эгасига етказилган мулкӣ зарарни қоплашнинг миқдори бўйича хулосани (кейинги ўринларда хулоса деб аталади) тайёрлайди ҳамда ваколатли органга киритади.

13. Ваколатли орган мол-мулк эгасига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорни хулосани олган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида қабул қилади ҳамда уни тегишли молия органига ва ғазначилик бўлинмасига ижро этиш учун юборади.

Бунда ваколатли орган қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида мол-мулк эгасига қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабар қилиши шарт.

14. Молия органи ғазначилик бўлинмаси билан биргаликда ваколатли органнинг мол-мулк эгасига мулкӣ зарарни қоплаш тўғрисидаги қарори олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида, қонунчиликка мувофиқ, ваколатли органнинг қарорида қайд қилинган мол-мулк эгасининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказишни амалга оширади.

15. Мулкӣ зарарни қоплашни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

- а) зарур шаклда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда;
- б) тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлганда.

16. Мол-мулк эгаси мулкӣ зарарни қоплашни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, комиссия томонидан ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш мол-мулк эгасининг аризаси талаб қилинган барча ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн кундан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

17. Зарурат бўлган ҳолларда, мол-мулк эгаси ёки унинг вакили билан келишилган ҳолда, мулкӣ зарар мол-мулк эгасига ёки унинг вакилига тенг қийматдаги мол-мулкни бериш йўли билан натура тарзида қопланиши мумкин.

III. Яқунловчи қоидалар

18. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

19. Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш масалалари бўйича низо ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Террорчиликка қарши операция ўтказиш
натijasида шахсга ёхуд jisмоний ёки юридик
шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Террорчиликка қарши операция ўтказиш натijasида jisмоний ва
юридик шахсларга етказилган мулкij зарарни қоплаш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари
I босқич	Ваколатли орган	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссиясини ташкил этиш	Террорчиликка қарши операция ўтказилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида
		Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси иш бошлаганлиги ҳақида jisмоний ва юридик шахсларни хабардор қилиш	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси ташкил этилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида
II босқич	Жисмоний ва юридик шахслар	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссиясига муурожаат қилиш	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси ташкил этилган кундан бошлаб
III босқич	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссияси	Мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш	15 иш куни мобайнида
		Етишмаётган ҳужжатлар тўғрисида хабардор қилиш	Мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида
		Мулкij зарар миқдорини баҳолашни ташкил этиш	Мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб 8 иш куни мобайнида
		Хулоса тайёрлаш ва уни Ваколатли органга киритиш	Мулкij зарар миқдорини баҳолаш тугалланган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида
IV босқич	Ваколатли орган	Мулкij зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилиш	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш комиссиясининг хулосаси олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида
		Мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш учун молия органларига ва газначилик бўлинмаларига юбориш	
		Қабул қилинган қарор тўғрисида jisмоний ва юридик шахсларни хабардор қилиш	
V босқич	Молия органлари ва газначилик бўлинмалари	Пул маблағларини jisмоний ва юридик шахсларнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш	Мулкij зарарни қоплаш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида